

У 371,015
□29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)

ПСИХОЛОГИЯ кафедраси

Тузувчи: Хусанова Д.

~~ТАВСИЛАНИ~~

Toshkent viloyati
Davlat pedagogika instituti
Quyumi № _____
ТОШКЕНТ - 20 **МУТЎРХОНАСИ**
Angren sh.

ТОШКЕНТ - 20

У 371.015
П 29 1-МАВЗУ. ЁШ ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК-
ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ёш психология ва педагогик-психологиянинг предмети. Уларнинг ривожланиш тарихи.
2. Болалар психологияси ва педагогик-психологиянинг йўналишларининг таъқиқи.
3. Педагогика ва унинг таъқиқи.
4. В.С. Выготскийнинг олий психологик функцияларининг ривожланиш тарихи.
5. Педагогик психологиянинг методлари.

АДАБИЁТЛАР: 1,3,5,7.

МАЪРУЗА МАТНИ.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг психологик асослари ҳақидаги фандир. Бунинг маъноси шуки, педагогик психология ўқувчилар томонидан билим, иқтидор ва малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ва, шунингдек, ўқув-тарбия процессида ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ўрганадиган фандир.

Педагогик психология фани ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ва уларни ўқитиш масалаларини ўрганар экан, биринчи навбатда болалар психологияси билан маҳкам боғлиқдир, чунки болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, ўқувчилар шахсининг таркиб топишини, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини аниқлаб бўлмайди.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг асосини ўрганиб ва ишлаб чиқиб, ўқитишнинг ва тарбиянинг мазмунини ташкил қиладиган дарсликларга ва турли ўқув қуролларига бўлган талабни аниқлаш, ўқитиш ва тарбиянинг рационал ва самарали методларини топиш, ўқувчи ёки тарбияланувчиларнинг билимларга эътиқод қилишига эришиш қонуниятларини очиб; ўқувчиларни меҳнат ва ижтимоий фаолиятига тайёрлашнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш имкониятига эгадир.

Педагогик психологиянинг вазифасига, шунингдек, ўқувчилар ва ўқитувчилар, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати, ўқитувчи шахсига нисбатан қўйиладиган талабларни ўрганиш, ўқитувчилик қобилиятининг мазмунини ва унинг таркиб топишини очиб бериш ва бошқа масалаларни ҳам ўрганиш киради. Педагогик-психология таълим муассасаларида ўқитиш процессида ўқувчилар томонидан билим ва малакаларни эгаллашнинг

қонуниятларини ва тарбия процессида бола шахсининг таркиб топишини урғанади.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини урғаниш педагогик психологиянинг предметини ташкил қилади. Бу фан ўқувчилар ва тарбияланувчилар тафаккурининг шаклланишини текширади; ўзлаштириш процессини идора қилиш, ақлий фаолият усуллари ва маалакаларининг таркиб топиш проблемаларини урғанади, ўқитиш процессининг, ўқувчи ва ўқитувчи, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатларининг, таълим олувчилар жамоасидаги ўзаро муносабатларининг муваффақиятли бўлишига таъсир қиладиган психологик факторларни аниқлайди; ўқувчиларнинг индивидуал психологик тафовутини, болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларининг психологик хусусиятларини урғанади.

Ёш психологиянинг предмети ривожланаётган инсон шахсининг психологик хусусиятлари ва психик жараёнлари онтогенезини ва инсон психикасининг ҳар бир ёш давридаги ўзгаришини урғанади. Ёш психологиясининг бўлимларига қуйидагилар киради:

Болалар психологияси, кичик мактаб ўқувчилари психологияси, ўсмирлар, ўспиринлар, катталар психологияси, геронто психологияси, яъни қариялар психологияси.

Педагогик психологиянинг предмети таълим тарбиянинг психологик қонуниятларини урғанади. Педагогик психология таълим жараёнини бошқаришнинг психологик масалаларини урғанади. Билиш жараёнларининг ривожланишини текширади. Ақлий тараққиётнинг ишончли мезонларини излайди. Тарбиячилар ва тарбияланувчилар орасидаги ўзаро масалаларни урғанади. Бундан ташқари педагогик-психология болаларга индивидуал ёндашув масалаларини ҳам урғанади.

Ёш педагогик-психологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Педагогик-психология XIX асрнинг 2-ярмига келиб вужудга келади ва психология фанига генетик тояларнинг кириши билан янада ривожланади. Рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг асарлари педагогик, психологик тояларнинг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қушилди. Жумладан у "Инсон тарбия предмети сифатида" номли асарида шундай деб ёзади. Инсонни ҳар томонлама тарбиялайдиган педагог уни ҳар томонлама билиши керак. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида педагогикада педагогик экспериментни қўллашнинг махсус йуллари топилди. Умумий психологиядаги экспериментнинг сезиларли ютуқлари (Вебер ва Фехнер томонидан психофизик қонуниятларнинг очилиши, Либенгаус томонидан хотиранинг урғанилиши) уни ёш ва педагогик-психологияда ҳам қўллаш имконини беради. Педагогик психологиянинг ривожланишидаги дастлабки тажрибалар натижасида қуйидаги

хулосалар чиқади. "Психологиянинг педагогик амалиёт билан иқинлашиши, таълим ва тарбия жараёнининг экспериментал тадқиқ қилиниши йўлидагина мумкиндир.

XX аср бошларида болалар психик тараққиёти манбаларини ҳар томонлама талқин этувчи 2 та оқим найдо бўлади. Бу оқимлар бир-бирдан бола тараққиёги асосига қандай омилни олишига ҳараб фарқлайдилар:

1. Биогенетик оқим.
2. Социогенетик оқим.

1-оқим тарафдорларининг фикрича, биологик омиллар: ирсият бола ҳаётини ҳал қилувчи роль ўйнайди.

2-оқим тарафдорларининг фикрича, бола тараққиётининг бирдан-бир омил бу муҳитдир. Инсонни ўрганиш учун у ўсган муҳитни таҳлил қилишнинг ўзи кифоя.

Педологиянинг мазмуни бола тараққиётининг психологик-физиологик, биологик нуқтаи назарларининг механик мажмуидан иборат. Педология XIX аср охири, XX аср бошларида вужудга келади. Асосчиларидан: Гербда С.Холл, Э.Меймай, Прейер, Россияда Вехтерев, Нечаев, Россолимов ва бошқалар. Педология асосчилари бола физиологияси ва педагогикасини сиқиб чиқариб болани ўрганишда яқка ҳукмронликка даъво қилади. Педология ривожланаётган инсонни ўрганувчи алоқида илмий фаилардаги тадқиқот натижаларини қамраб олувчи комплекс фан сифатида вужудга келади. 30 – йилларнинг бошида педологиянинг куп қоидалари танқид остига олинди. Бу 1936 йил 4 июль Партия МК.нинг Халқ таълим системасидаги педологик бузилишлар ҳақидаги қарори билан тугатилади.

Машҳур совет психологи Выготский 20-30 йилларда ўзининг олий стихик функцияларининг ривожланиши назариясини эълон қилди. Выготский назарий тараққиётининг умумий генетик қонунини қуйидагича аниқлайди: "Бола маданий ривожланишида ҳар бир функция 2 марта кўринади: Дастлаб ижтимоий, сўнг психологик; Дастлаб интерпсихик категория сифатида бола ичида кўринади. Ҳар бир олий психик функция уз тараққиётида ташқи боққич орқали ўтиши керак.

Педагогик-психологияда бир неча методлар мавжуд:

1. Кузатиш: ташқи, ички, она кундалнги.
2. Эксперимент: табиий, лаборатория.

3. Эгизаклар методи. Унинг мазмуни 1 тухумли эгизакларда психик тараққиётини кузатиш вазксперимент шароитида таққослашдан иборат. Бу эса улар ирсиятининг бир хиллигини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсирининг ва муҳитнинг таъсирини ўрганиш имконини беради.

4. Бола психикаси тараққиётини ўрганишда кундаланг-кесим методи ҳам қўлланилади. Бунда тадқиқотчи психика риложининг

ҳозирги пайтдаги психологик хусусиятларини билишга интилади. Тез-тез такрорланиб турган бундан кесимлар текширилувчилар ҳақидаги маълумот олишга имкон беради.

5. Лонгитюд метод ёки узунасига кесим методи. Бир бола узоқ вақт, йиллар мобайнида ўрганилади.

6. Суҳбат.

7. Фаолият маҳсулотларини урганиш.

8. Анкета. 9. Тест. 10. Социометрик,

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ёш ва педагогик-психологиянинг предмети.

2. Ёш ва педагогик-психология ривожланишидаги биогенетик ва социогенетик оқим тарафдорларининг фикрларидаги фарқ.

3. Педагогик-психологиянинг ўрганиш методлари.

Таянч тушунчалар:

Эгизаклар методи, Лонгитюд методи (узунасига кесим методи), Педология...

2 – Маъруза.

4 соат.

П МАВЗУ. ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМ.

Р Е Ж А :

1. Психик тараққиёт шароитлари.

2. Таълим-тарбия жараёнида болалар психик тараққиётининг асосий йўналишлари.

3. Таълим жараёнида болалар тараққиётининг қонуниятлари ва педагогик шароитлари.

4. Ёш тараққиётини даврларга бўлиш.

АДБИЁТЛАР: 1, 2, 3, 5, 6, 7.

МАЪРУЗА МАТНИ.

Одам ва ҳайвон психикаси доимо ривожланиб боради. Лекин ҳайвонлар дунёсининг ва одамнинг ривожланиши тубдан фарқ қилади. Ҳайвонлар психикаси тараққиётининг бош механизми ирсий-биологик тажрибани узатишдир. Унинг асосида ҳайвоннинг ташқи муҳитга мослашуви ётади. Инсон психик функцияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар болаларнинг ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаш жараёнида ривожланади. Бола инсоният дунёсида туғилади. Инсонлар билан муносабатда бўлади. Уларда ижтимоий амалиёт тажрибаси акс этади. Боланинг тараққиёти бу тажриба жараёнини эгаллашдир. Бу жараён катталар томонидан

доимо раҳбарлик жараёнида, яъни таълим жараёнида амалга оширилади. Инсон психик фаолиятининг олий шакллари бавоситалик характерига эга. Қадимдаёқ одамлар таълимда, меҳнат фаолияти жараёнида ва болаларда маълумотлар бериш учун уларни акс эттириш воситаси сифатида белгилардан, шартли тасвирлардан фойдаланганлар. Белгилар ва нутқ одамнинг таълим жараёни воситасидир. Бу воситаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, шунингдек, маданиятнинг ривожланиши психика тарихий тараққиёти жараёнини характерлайди. Бу воситаларни эгаллаш билан индивидуал тараққиёт жараёни аниқланади. Бола инсоният тарихида ишлаб чиқарилган тажрибани эгаллайди. Инсоният тарихида фаолиятни амалга ошириш воситасигина ривожланиб қолмасдан, ижтимоий тажрибани кейинги авлодларга узатиш, бу воситаларни узатишнинг махсус йўли ривожланади. Бу махсус йул таълимдир. У ижтимоий тажрибани узатишнинг ташкилий усулидир. Шундай қилиб, таълим бола психик тараққиёти жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Психика тараққиётининг биологик шароитлари.

Инсон психикаси тараққиётининг асосий хусусиятларини биологик қонунлар - ирсият билан тушунтириш назарий жиҳатдан хатодир. У амалда катта қийинчиликларга олиб келади. Чунки бу ерда тарбиячининг роли пасайтирилади. Ёш ва педагогик-психология инсон психик тараққиёти қонунлари ижтимоий боғланган тараққиёт жараёни бола тарбияси ва хаёт шароитларининг мураккаб мажмуи билан белгиланади, деган фикрларга таянади. Бунда тараққиётнинг биологик шароитларининг ривожланишида нейрофизиологик хусусиятларнинг психика тараққиётида роли қандай деган савол тугилади. Инсон психик фаолияти жуда мураккабдир. Унинг хусусиятлари бола тарбияси ва хаётига боғлиқдир. Суз маънавий хотира, маъхум тафаккур, предметларни идрок қилиш ва бошқалар, олий психик функциялар ирсий биологик йўл билан узатилмайди, мустахкамланмайди. Бу тарихий тараққиёт жараёнида уларни қайта қуриш, такомиллаштириш имконини беради.

Таълим жараёнида бола психик тараққиётининг асосий томонини фаолият усуллари ва билимларини мураккаблаштириш ташкил этади. Ҳозирги вақтда кўп тадқиқотчилар таълим мазмунини ўзгартириб, яъни болага бериладиган билимларни ва фаолият усулларини ўзгартириб, бола тараққиётини тубдан ўзгартириш мумкинлигини исботлайдилар.

Кўп тадқиқотларда (Венгер, Гауперин, Эльконин, Давидов) таълим мазмунига махсус воситаларнинг киритилиши, ақлий тараққиётнинг абсолют ва ўзгармас деб ҳисобланган босқичларининг ўзгаришига олиб келди. Масалан, Швецариянинг психологи Жан Пиаже утказган тадқиқотларида 7-8 ёшдан кичик болалар сонлар билан ҳамма амалларни бажара олмайдилар, деган хулосага келади.

Пиаже томонидан тавсифланган "Миқдорнинг сақланмаслиги" феномени ҳаммага маълум. Уни қуйидаги экспериментда кузатиш мумкин. 2 идишга 1 миқдорда сув солинади. Узун ингичка идишдаги сувни бола қўп деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, бола таълимда маълум масалаларни ва уларни ечиш усуларини ўзлаштирадидлар. Қўп масалаларни ечиш имконияти усулнинг умумлашганлигига боғлиқ бўлади. Ҳар хил даражада умумлашган усуллар ўз тузилишига кўра фарқ қиладилар. Масалан, кўпчилик бола 1-синфда арифметик масалаларни ечишда конкрет ҳаракатлардан бевосита ҳаракатга (арифметик) ўтадилар. Шунинг учун болалар тескари масалаларни ечишда қийналадилар. Шундай қилиб, таълим мазмуни билим ва фаолият усулларининг хусусиятлари таълимда, маълум кетма-кетлик уларнинг бола тараққиётининг асосий томонларини характерлайди.

Билим ва усулларни эгаллашнинг психологик механизмларининг ривожи.

Фаолиятнинг умумий типини белгилайдиган 1 хил усуллар бола томонидан ҳар хил даражада қўлланилади. Бу аниқ фаолиятни амалга ошириш асосида ётувчи психологик механизмлар хусусиятларига боғлиқ бўлади. Билим ва умулларни қўллаш асосида ётувчи умумлашган психологик механизмларнинг вужудга келиши болалар тараққиёти жараёнининг муҳим томонларини ташкил этади. Муҳим умумий ўзгаришлар 3 асосий йўналишда содир бўлади.

1. Бола шахси йўналганлигининг умумий хусусиятлари.
2. Фаолият психологик структурасининг хусусиятлари.
3. Онг механизмларининг тараққиёт даражаси.

Учта етакчи йўналиш мавжуд. Айрим болаларда уқув – етакчи йўналиш ҳисобланади. Уларга яхши уқийи, уқитувчининг талабларини бажариш, яхши баҳога интилиш хосдир.

Баъзи болаларга билимга интилиш йўналиши хосдир. Улар масалалар ечишни, янги топшириқлар олишни ёқтиришади. Уларни баҳо қизиқтирмайди. Қўп болалар учун атрофдагилар билан ўзаро муносабат муҳимдир. Бу болаларнинг хулқ атвори жамоада, катталар, тенгдошлари билан ўзаро муносабатда маълум мавқега эришиш билан белгиланади. Ўқувчи шахсининг йўналганлиги доимо ўзгариб туради. Масалан, кичик мактаб ёшида уқийи етакчи йўналиш бўлса, 4-синфдан бошлаб, атрофдаги муносабат муҳим бўла бошлайди.

Ҳар бир фаолият ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

Мотив, мақсад, ҳаракат, усул ва объектлардан иборат.

Онг тараққиёти жараёнида боланинг борлиқни акс эттиришнинг механизмлари тузилиши, мазмуни ўзгаради. Бу фикрлаш хусусиятларининг ўзгаришида ҳам кўзга ташланади. Мисол сифатида боғча болалари учун предметларнинг ташқи хусусиятларини ва вазиятларини акс эттириш, кейинчалик эса

предметларнинг функцияларини ажратишнинг сунгра уларнинг тузилишини ажратишларини келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган 3 йўналиш ўзаро боғланган ва улар бйргаликда шахсий психик тараққиёти ўзгаришлари жараёнини ташкил этади. Онг тараққиётининг муҳим мезони ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, ўзининг "мен"ини англаш ҳисобланади. Ўз "мен"ини англаш бола шахсининг ҳар хил томонларини тараққиётини амалга оширадиган асосий механизм бўлиб қолади.

Бола шахси фаоллиги психик тараққиёт шароити сифатида.

Шундай умумий қонуниятлардан бири боланинг фаоллиги билан боғлиқ янги психик тузилмаларнинг пайдо бўлишидир. Таълимда янглик ташқаридан берилсада, фаолият таркибига киритилиши, фаолиятни қайта қуриш билан боғланиши керак. Бир хил материални ўзлаштириш ҳар хил болаларда турлича рўй беради. Шунинг учун бола риволаниш даражасига боғлиқ равишда ҳар хил педагогик шароитларни талаб қилади. Бола ўзлаштириш жараёнида ўзининг шахс сифатидаги хусусиятларини намоён қилади. Бола шахси асосий томонларининг тараққиёти таълим методларида акс этадиган ўзлаштириш механизмларини амалга оширади. Масалан, маълум ёш даври болалари учун характерли бўлган етакчи йўналиш хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Маълумки боғча даврида кўпчилик янги нарсалар ўйин фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда машгулотлар дидактик ўйинлар шаклида ўтказилади. Бу ўйинларда бола янги билим ва усулларни эгаллашида боланинг фаоллиги энг кўп даражада намоён бўлади. Кичик мактаб ёшида янгиликни ўзлаштириш ўқув фаолиятининг ахамияти билишга қизиқишнинг ўсиши билан боғлиқ. Боланинг ўқув фаолиятини шундай шакллантириш керакки, у ўқиниға йўналишни ўзини назорат қилиш малакасини, шахсий ютуқларини баҳолай олиш малакаларини ўз ичига олсин. Ўқув жараёнида бола учун янги нарсани билиш қизиқ ва муҳим бўлиши керак. Кейинчалик ўқув фаолиятининг ўзи кўпроқ мотивлар билан уйғона бошлайди. "Илгор педагогларнинг тажрибаси болаларга хос булган йўналганлик ва мотивация типи ҳисобга олинса таълим муваффақиятли бўлиши исботланади. Шундай қилиб, мотивацион соҳасининг моҳияти онг тафаккур ва фаолият тараққиёти янги психологик тузилмаларнинг вужудга келиши ва ривожланишини амалга оширадиган асосий ички шароитни ташкил қилади.

Шахс умумий хусусиятлари тараққиёти ва билим тараққиётининг педагогик шароитлари.

Таълим жараёнида бола тараққиётининг умумий қонуниятларидан ташқари боланинг психик тараққиётининг ҳар хил томонлари учун характерли бўлган аниқ педагогик шароитларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ҳар хил ўқув предметларида билимлар ва усулларни эгаллайдилар. Таълим

олинаётганда болалар инсоният босиб утган йўлни такрорламайди. Ҳаракат усуллари ва билимлар болаларга ташқаридан берилади ва ўзлаштирилади. Вазифанинг хусусиятларига боғлиқ равишда таълимга янги ҳаракатлар, янги усуллар киритилади ва улар бу масалаларни ечишнинг воситаси ҳисобланади. Бола илгари бажарган вазифага таққослаб янги вазифанинг хусусиятини; янги вазифани ечишнинг воситаси сифатида янги ҳаракатларнинг хусусиятларини тушунишлари керак. Фақат шу ҳолдагина янги ҳаракатларни ўзлаштириш, айниқса, белгили, операцияли амалларни ўзлаштириш англаган бўлади. Болалар ўз фаолиятларини ташкил этиш воситаларини эгаллашлари мумкин. Болалар фаолиятни ташкил этишнинг маълум босқичларини ажратишга ўргатилади: уларнинг режалаштириш, тайёрланиш, амалга ошириш, назорат қилиш ва баҳолашдир. Шундай қилиб, бола тараққиёти жараёни қандайдир бир томоннинг ўзгариши билан характерланмайди, балки у мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Психологик тараққиётнинг ҳар хил томонларини амалга оширадиган педагогик шароитлар ҳар хилдир.

Тараққиётнинг ёш босқичи ёки ёшнинг ўзи нима?

Бу саволга жавоб топиш инсон психик тараққиёти табиатини тушунишга боғлиқ. Бундай нуқтаи назарлардан бирида ёш даврининг ўзгармаслиги қайд этилади. Ёш ҳақидаги бундай тасаввур психик тараққиётини табиий биологик жараён сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қарама қарши нуқтаи назарлардан ёш тушунчаси умуман рад этилади. Бундай ҳолларда тараққиёт билиш ва кўникмаларни туплашдангина иборат деб қаралади. Ҳар бир ёш даври психик тараққиётнинг маҳсус босқичидир ва бола тараққиётининг маълум босқичида шахс структурасидаги ўзига хосликлар мажмуини ташкил этадиган ўзгаришлар тўплами билан характерланади. А.С.Выготский ёшнинг тараққиётнинг маълум даври деб қараган. 1 ёш даврдан бошқасига утганда илгари ёш даврида мавжуд бўлмаган янги нарса пайдо бўлади, тараққиётнинг бориши ўзгаради ва қайта қурилади. Ёш хусусиятлари кўп шароитлар мажмуи билан белгиланади. Уларга ҳаётнинг маълум босқичида болага қўйиладиган талаблар системаси ҳам, муносабатлар ҳам, у эгаллайдиган фаолият ва билимлар типини ҳам бу билимларни ўзлаштириш усуллари ҳам киради. Ёшнинг хусусиятини белгилайдиган шароитлар мазмунига бола жисмоний тараққиётининг ҳар хил томонлари хусусиятлари ҳам киради. Шундай қилиб, ёш даври ҳаёт шароитлари ва тараққиётнинг маълум даврида болага қўйиладиган талаблар хусусиятлари билан унинг атрофдагилар билан муносабатлари бола шахси психологик тузилишидаги тараққиёт даражаси билан, унинг тафаккури ва билимлари тараққиёти даражаси билан маълум физиологик хусусиятлар мажмуи билан характерланади.

Ёш тараққиётни даврларга бўлиш.

Сунгги вақтларда педагогик-психологияда педагогик мезонларга асосланган ёшни даврларга булишдан фойдаланилади:

Богча ёши даврлари (ясли, кичик, ўрта катта ва мактабга тайёрлов):

Ясли ёши - 3 ёшгача

Кичик гуруҳ - 4 ёш

Ўрта гуруҳ - 5 ёш

Катта гуруҳ - 6 ёш

Тайёрлов гуруҳ - 7 ёш.

Уқувчилар тараққиётининг хусусиятларига боғлиқ равишда ва таълим тарбиянинг асосий босқичларига мос равишда мактаб даври уч босқичга бўлинади.

Бошланғич синф - 1-3,4 синфлар

Ўрта - 5-9 синфлар

Юқори - 10,11,12 - синфлар.

Ёш даврини атрофдагиларга муносабат тараққиёт даражаси билан билимлар, усуллар, қобилият тараққиёт даражаси ўртасидаги алоқа белгилайди. Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, тараққиёт жараёнининг бу 2 турли томонлари ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши кейинги ёш даврларда муҳим ички асосни ташкил этади. Масалан, гўдаклик даврида боланинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг катталар билан алоқаси орқали амалга оширилади. Бола худди шундай муносабатлар системаси сифатида маълум малакаларни эгаллайди. Унда тасаввурларнинг содда босқичлари шаклланади. Катталар билан мулоқат усуллари кенгайди, нутқи ривожланади ва бошқалар. Буларнинг баъри боланинг мустақил ҳаракат қилиш имкониятларининг кенгайиши учун асос яратди. Сунгра атрофдагилар билан муносабат усуллари ҳам ўзгаради. Бу эса психик тараққиётнинг кейинги бориши шароитини ўзгартиради. Бундай вазият усмирлик даврида ҳам вужудга келади. Бунда олдинги тараққиёт ютуқлари мажмуи бола ҳаёт шароитлари ўзгариши боланинг атрофдагилар билан муносабат усуллариининг ўзгаришига олиб келади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Психика тараққиётининг биологик шароитлари нималардан иборат?
2. Бола таълимидаги муҳим умумий ўзгаришларни тавсифлаб утинг.
3. Тараққиёт ёш босқичи нима?

Таянч гушунчалар:

Психика тараққиётининг биологик шароитлари; психика тараққиётининг социологик шароитлари; бола шахси йўналганлиги; шахс умумий тараққиёти ва билимлар тараққиётининг педагогик шароитлари; тараққиёт ёш босқичи.

Ш – Мавзу. ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ.

Р Е Ж А :

1. Таълим ҳақида тушунча. Ўқишнинг моҳияти.
2. Таълим процессини бошқариш муаммоси.
3. Ўқиш ва ақлий ривожланиш.
4. Таълимни интенсивлаштириш, ижодий тафаккурни таркиб топтириш.
5. Таълимни индивидуаллаштириш.

Адабиётлар: 1, 4, 6, 7, 9, 10.

МАЪРУЗА МАТНИ.

Ўзлаштириш, таълим, кенг маънода олганда, ўқувчининг уюшган билиш фаолиятидир, бу фаолият идрок, хотира, тафаккур, хаёл каби қатор билиш процессларини уз ичига олади. Ижодий ўзлаштириш сифатида ўқиш, билим эгаллаш уч факторга – нимани ўқитишга, ким ва қандай ўқитишга, кимни ўқитишга боғлиқдир. Биринчидан, ўқишнинг характери ўзлаштирилаётган материалга, унинг мазмунига ва қандай системада етказиб берилаётганлигига боғлиқдир. Иккинчидан, у ўқитувчининг методик маҳоратига ва тажрибасига, унинг шахсий хусусиятларига, ҳар бир айрим ҳолда қўлланиладиган конкрет ўқитиш методикасига боғлиқдир. Ниҳоят, ўқиш жараёни ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларига ҳам – унинг психик ривожланишининг (ақлий, эмоционал, иродавий жихатдан) индивидуал характеристикасига, унда ўқишга нисбатан қарор топган муносабатларга, унинг қизиқиш-хавасларига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, таълим процесси ўқувчига нимани ва қандай қилиб ўргатишнинг оддий ва бир хил натижаси эмас, яъни сиртдан таъсир қилдириладиган шарт-шароитларнинг оқибати эмас, балки ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Н.Д.Левитов ўзлаштиришнинг психологик компонентлари деган тушунчани киритади, у ана шу компонентлар деганда ўқувчи психикасининг бир-бири билан ўзаро боғланган кўп қиррали томонларини тушунади. Унинг фикрича, ана шу компонентларни активлаштирмасдан ва тегишли тарзда йўналтирмасдан туриб таълимда мақсадга эришиб бўлмайди. Бундай компонентларга қуйидагилар киради.

1. Ўқувчиларнинг ўқишга ижобий муносабатда булиши. – Ўқишга ижобий муносабатда бўлиш ўқув материални тула-туқис ўзлаштиришнинг мутлақо зарур шартидир. Ўқувчининг ўқишга муносабати унинг ўқишга диққат қилишида, қизиқишида,

қийинчиликларни бартараф қилиш учун ирода кучини сарфлашга тайёр эканлигида ифодаланади.

2. Материал билан бевосита хиссий танишиш жараёнлари. Ҳқув материални узлаштиришда хис этиладиган, кўргазмали материалнинг, "жонли мушоада"нинг роли каттадир. Психологик нуқтаи назардан предмети, тасвирий ва сўз кўргазмалиликлари фарқ қилинади.
3. Олинган материални актив равишда қайта ишлаш жараёни булган фикрлаш жараёни. Ҳқув материални англаш, тушуниш, уни муайян системага киритиш, муайян соҳаларга оид алоқаларни, фанлар ичидаги ва фанлараро алоқаларини топа олиш ва уларни узаро боғлай олиш (Ю.А.Самарин фикри буйича) – узлаштиришнинг навбатдаги энг мухим компонентидир.

Тушуниш хаамиша янги материални таркиб топиб булган ассоциациялар системасига киритишни, нотиниш материални таниш материал билан боғлашни англатади. Сабаб-оқибат боғланишлари муносабатларини урганиш ҳқувчилар учун бирмунча қийинчилик турдиради, бунга сабаб, бир томондан шуки, хатто бир хилдаги оддий муносабатлар ҳам кўпинча бир томонлама эмас (бирдан-бир сабаб – битта оқибат), балки куп томонлама булади (битта сабаб куп оқибатларга эга булади ёки битта оқибатни купгина сабаблар вужудга келтириши мумкин. Иккинчи томондан, бу қийинчиликлар шу нарса билан боғлиқки, сабаб-оқибат боғланишлари кўпинча оддий кузатиш йули билан идрок қилинмайди, балки тафаккур ёрдамида аниқланади.

4. Қабул қилинган ҳамда ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш процесси. Ҳқувчининг тафаккури билан қабул қилинган ва қайта ишланган ахборот хотирада сақланиши лозим. Бу эса исталган бир пайтда хотирадаги запаслардан зарур маълумотлар олиш ва уларни қуллаш имкониятини беради.

Кўпгина психологлар таълим процессини таҳлил қилар эканлар, уни етарли даражада "бошқариб булмайдиган процесс деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб булмайдиган, стихияли равишда таркиб тонадиган процесс деб аташ нотугри, – бу ҳол аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш гоясининг ўзига зид булар эди.

Таълим жараёнини бошқаришнинг бошқа имкониятларини қидириш программалаштирилган таълимнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш билан боғланган (А.Н.Ланда ва бошқалар) Психологик нуқтаи назардан қараганда, программалаштирилган таълим нима ва у одатдаги таълимдан нима билан фарқ қилади? Буни тушуниш учун ҳқув жараёнини унинг қатнашчилари: таълим берадиган, билимларни етказадиган ҳқитувчи ва ҳқитиладиган, ахборотни узлаштирадиган ҳқувчи томонидан стихияли тарзда тасаввур қилиб кўрмоқ керак. Ҳқитувчи билан ҳқувчи, маълумки, ҳқув жараёнининг икки

звеносидир (звено – таълимнинг субъекти ва звено – таълимнинг объекти). Мана шу звеноларнинг ўзи – ўқув жараёнидаги бошқариш системасининг звеноларидир. Улар орасида, кибернетика тили билан айтганда, тўғри ва қайтарма алоқаларнинг каналлари ҳаракат қиладики, бу каналлар орқали ўқитувчи билан ўқувчи ахборот айира бошлайдилар. Ўқитувчи тушунтиради, исботлайди, далил келтиради, чизади, расм солади, тажриба қилиб кўрсатади, ўқувчи кўради, тинглайди, тушунишга, ўзлаштиришга, эса олиб қолишга ҳаракат қилади, фикр юритади, умумлаштиради. Бунинг маъноси шуки, "тўғри алоқа канали" орқали ахборот субъектидан объектка, ўқитувчидан ўқувчига етказилади. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Таълим тўла-тўқис бўлиши учун "қайтарма алоқа канали" ҳам ҳаракат қилиши зарур. Ўқитувчи ўқувчининг қандай таълим олаётгани ҳақида ахборотга эга бўлмай туриб, кўр-кўрона таълим бера олмайди. Шу сабабли таълим процесси "қайтарма алоқа канали"нинг ҳам ишланишини назарда тутати: ўқувчи дарсда олган билимидан жавоб қайтаради, материални такрор ишлаб чиқади, масалани ечади, ўқитувчи тинглайди, кўради баҳо қўяди. Фақат ана шу "қайтарма ахборот" асосидагина ўқитувчи маълум ўқувчининг таълим олиши муваффақиятли бораяптими-йўқми – шу ҳақда ҳулоса чиқара олади ва шунга қараб таълим процессига тузатишлар кирита олади, ўқув жараёнининг бундан кейинги боришини планлаштира олади.

Ақлий ривожланиш тушунчасининг ўзи турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил талқин қилинмоқда.

С.Л.Рубинштейн билан Б.Г.Ананьев биринчилар қатори умумий ақлий ривожланишни, умумий интеллектни тадқиқ қилиш билан шуғуланишга даъват этиб майдонга чиқдилар. Масалан, Ананьев бу категориялар одамнинг шундай мураккаб психик хусусиятларини, ўқиш ва меҳнатдаги муваффақият ана шу хусусиятга боғлиқдир, деб гапирди. Олим бу категорияларни билишга оид турли вазифаларнинг кўйилиши ва ҳал этилиши билан боғланган, яъни ходисага энг умумий мулжалловчи характеристика берган бўлиб, бу характеристика уни ҳал этишнинг мумкин булган йулларини кўрсатиб беради.

Кейинги йилларда ана шу курсатиб утилган муаммони жуда турли йўналишларда интенсив тарзда тадқиқ этиш бошлаб юборилди. Бу тадқиқотлар орасида Н.С.Лейтеснинг тадқиқотини қайд қилиб ўтиш керак. Н.С.Лейтес, аввало ақл сифатларини уз ичига олувчи умумий ақлий қобилиятлар (гарчи улар жиддий равишда ирода ва эмоционал хусусиятларга боғлиқ булса ҳам) одамнинг назарий билиш ва амалий фаолият имкониятларини характерлаб беради, дуб таъкидлаган. Одам и интеллекти учун энг муҳим нарса шуки, у атрофимизни ўраб олган ва оламдаги нарса ва ҳодисалар уртасидаги бовланиш ва муносабатларни акс эттириш ҳамда шу билан воқеликни

ижодий равишда қайта ўзгартириш имконини беради. Н.С.Лейтеснинг курсатиб ўтишига қараганда, олий нерв фаолияти хусусиятларида активлик ва ўз-ўзини тартибга солишнинг айрим шарт-шароитлари яширинган бўлиб, булар умумий ақлий қобилиятларни таркиб топтиришнинг муҳим ички шартларидан биридир.

Купгимна фикрлар муносабати билан ақлий ривожланишнинг мазмунига оид мезонлар (белгилар, курсаткичлар) масаласи вужудга келади. Бундай энг умумий мезонларнинг руйхатини Н.Д.Левитов келтириб ўтади. Унинг фикрича, ақлий ривожланиш қуйидаги курсаткичлар билан:

- 1) тафаккурнинг мустақиллиги билан,
- 2) ўқув материални ўзлаштиришнинг тезлиги ва мустақамлиги билан,
- 3) стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда ақлий чамалашнинг (топқирликнинг) тезлиги билан,
- 4) ўрганиб чиқилаётган ходисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш (муҳим булган нарсани муҳим бўлмаган нарсадан ажрата билиш) билан ва

- 5) ақлнинг танқидий қараши, баландпарвоз, асоссиз мулоҳазаларга мойиликнинг йўқлиги билан характерланади.

Д.Б.Эльконин учун ақлий ривожланишнинг асосий мезони – турғи ташкил этилган ўқув фаолияти структурасининг (таркиб топган ўқув фаолияти) ҳамда унинг компонентлари – масаланинг қуйилиши, воситаларни танилаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текширишнинг мавжудлиги, шунингдек, ўқув фаолиятидаги предмет ва символик планларнинг турғи нисбатидир.

Н.А.Менчинская шу муносабат билан фикрлаш фаолиятининг шундай хусусиятларини, чунончи:

- 1) ўзлаштиришнинг тезлиги (ёки сустлиги),
- 2) фикрлаш процессининг пухталиги (яъни ишни қайта куришнинг топширикларнинг ўзгарган шароитларига мослашишнинг осонлиги ёки қийинлиги);
- 3) тафаккурдаги кўргазмали ва мавҳум компонентларнинг маҳкам боғланиши (ёки таркоклиги) ва
- 4) аналитик-синтетик фаолиятнинг турли даражасини қараб чиқади.

Ҳозирги замон педагогик психологияси таълимни оқилона интенсилаштиришни, яъни ўқувчиларнинг ёшларига хос интеллектуал имкониятлари ҳақидаги анъанавий тасаввурларни ўзгартириш, таълим олувчиларнинг ақлий тараккиёт резервларини кидириб топиш масалаларини кўрмоқда. Шунингдек, психологлар таълим процессида ўқувчиларда актив, мустақил, ижодий тафаккурни, мустақил билиш фаолиятига, мустақил билим эгаллашга, ёки баъзи ҳолларда айтишларича, ўз-ўзинича таълим олишга оид

қобилиятни устириш чораларини курмоқдалар. Шунингдек, таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялашнинг психологик негизлари ишлаб чиқилмоқда. Л.В.Занков анча машхур янги дидактик таълим системасининг (кичик ёшдаги ўқувчилар билан) ишлаб чиқилмоқда. Бу системага қуйидаги принциплар асос қилиб олинади:

- 1) таълимни юқори даражадаги қийинчиликлар асосида (қийинчилик мезонига қатъий риоя қилган ҳолда) қуриш. Факат ана шундай таълим, деб курсатади Л.В.Занков, жиддий ақлий иш олиб бориш учун озиқ бериши ҳамда ўқувчиларнинг тез ва интенсив равишда ривожланишига кумаклашиши мумкин.
- 2) материални тез суръат билан ўтиш (яна ақлга турри келадиган чегарада); таълимнинг билишга гааллуқли томонининг, назарий билимларнинг салмоғини кескин тарзда ошириш. Материални эгаллашга олиб борадиган йўл – олинган маълумотларни узвий узаро боғлиқ ҳолда, ўқувчининг саволларига мустақил равишда жавоб излаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини текшириш ёрдамида чуқур аниқлаб олишдир.

Кўрсатиб ўтилган принципларга мувофиқ равишда ташкил этилган экспериментал таълим шуни кўрсатдики, ўқувчилар анча чуқур ва мазмунли билим олибгина қолмай, балки уларнинг ақлий фаоллиги ортади, уларнинг юқори даражадаги интеллектуал ривожланиши таъминланади, ўқишга ижобий муносабат тарбияланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини максимал даражада активлаштириш, уларнинг актив, мустақил, ижодий тафаккурини авж олдириш мактаб таълимининг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Таълимнинг асоси – ўқитувчининг ўқувчиларга етказадиган мул-қул ахборотни эса олиб қолиш эмас (гарчи бу муҳим вазифа бўлса-да), балки бу ахборотни олиш жараёнида ўқувчиларнинг узлари актив иштирок этиши, уларнинг мустақил фикр юритишини, мустақил билим олиш қобилиятини, ўз-ўзича маълумотини ошириш қобилиятини аста-секин шакллантириш боришдан иборат бўлмоғи керак. Купгина психологлар Л.С.Выготский томонидан аниқланган қоида, яъни таълим бериш ўқувчи қўлга киритиб бўлган ривожланиш даражасини кўзламадан, бирмунча олга кетиши, ўқувчининг тафаккурига унинг мавжуд имкониятларини бирмунча оширадиган талаблар қўйиши, у эришган ва яхши ўзлаштириб олган аналитик-синтетик фаолият даражасини талаб қилиши керак деган қоидага етакчи ролин таъкидлаётган экан, таълим ўқувчининг ривожланишидаги кезари кунга эмас, балки эртанги кунга таянмоғи лозим, деб ҳисоблашнинг эди. Таълим ривожланишнинг факат тугалланган даражасига асосий эътибор қурилмасдан, аввало хали унчалик таркиб

топмаган (ва шундай таълим таъсири остида таркиб топаётган) нарсаларга таянмори лозим.

Л.С.Виготский боладаги ақлий ривожланишнинг 2 даражаси ҳақидаги қондани ифодалаб беради. Биринчи даража, Виготский айтганидек актула ривожланиш даражаси – уқувчи тайёргарлигининг мавжуд даражаси бўлиб, у уқувчининг қандай топшириқларни тула мустақил бажара олиши билан характерланади. Анча юқори бўлган иккинчи даража (уни Виготский энг яқин ривожланиш зонаси деб атаган) боланинг нимани мустақил бажара олмаслигини, лекин озрок ёрдам билан (йул-йуриқ, берувчи саволлар, айтиб беришлар, ишора қилишлар, умумий кўрсатмалар бериш ва ҳоказо) ниманинг ўддасидан чиқа олишини кўрсатади. Виготский, бола бугун катталар, ўқитувчи ёрдамида бажараётган нарсани эргага мустақил равишда ўзи бажаради, энг яқин ривожланиш зонасига кирган нарсалар, таълим процессида актула ривожланиш даражасига ўтади деб таъкидлаган эди.

"Актив тафаккур", "мустақил тафаккур" ва "ижодий тафаккур" тушунчалари ўртасидаги муносабатни концентрик доиралар шаклида белгилаш мумкин. Бу тушунчалар тафаккурнинг турли даражалари бўлиб, уларнинг ҳар бир кейингиси ўзидан олдинги бошланғич тафаккурга нисбатан бир кўриниш ҳисобланади. Ижодий тафаккур мустақил ва актив бўлади, лекин ҳар қандай актив тафаккур ҳам мустақил тафаккур бўлавермайди ва ҳар қандай мустақил тафаккур ҳам ижодий тафаккур бўлавермайди. Буни мисол тариқасида тушунтириб берайлик. Уқувчи теоремани исбот қилишни тушунтириб бераётган ўқитувчининг сузларига диққат билан қулоқ солади, материални тушуниб олишга ҳаракат қилади – бу ерда гап актив тафаккур ҳақида бориши мумкин. Агар ўқитувчи тушунтириш ўрнига ўқувчиларга теоремани дарслик тексти асосида мустақил таҳлил қилишни, тегишли бўлимни мустақил ишлаб чиқишни тақлиф этса, у ҳолда мустақил (ва, албатта, актив) тафаккур ҳақида гапириш мумкин. Исбот қилиб берилмаган нарсани ўқувчининг ўзи кашф этиб, ўзи топган тақдирда ижодий тафаккур ҳақида гапирса бўлади.

Ўқувчиларнинг бирор бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ бўлган таълим методи проблемали-эвристик ёки тадқиқотчилик методи деб аталади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу уринда фақат натижанинг топилиши, ҳақиқатнинг субъектив "кашф этилиши" факти эмас, уни излаш жараёнининг ўзи ҳам, ўқувчиларни ижодий фикр "лабораторияси"нинг ўзига олиб кирадиган жараён ҳам асосий аҳамиятта эгадир. Проблемали таълим шу жиҳатдан бир қанча афзалликларга эга бўлади:

- 1) у ўқувчиларни мантиқий, илмий, дидактик, ижодий қишлоқларга айлантиришга ургатади,
- 2) у ўқув материални анча ишоп қилади, қўлдан кўчириб олиш билан боғлиқларнинг эҳтиқоқига айланишига

ЎЗБЕК УЎҚУВ

Ўзбекистон Республикаси
 Toshkent viloyati
 Davlat pedagogika instituti
 KUTUBXONASI

3) у, одатда, анча таъсирчан булиб, чуқур интеллектуал хист-туйғулар, шу жумладан, шодиёна коникиш туйғусини, уз имкониятлари ва кучига ишонип туйғусини вужудга келтиради, шуниң учун у укувчиларни қизиқтиради, укувчиларда илмий билишга жиддий кизиқишни таркиб топтиради.

4) Ҳақиқатнинг, қонуниятнинг мустақил "каиф" этилиши" осонлиқча унутилмаслиги аниқлаб чиқилган, мустақил ҳосил килинган билимлар унутилган тақдирда ҳам, уларни тезроқ қайта тиклаш мумкин.

Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир укувчи индивидуал (алоҳида), бошқаларга борлиқ булмаган ҳолда таълим олади деган маънони билдирмайди (гарчи принцип жихатидан шундай таълим булиши мумкин булса ҳам). Хусусан, программалаштирилган таълим (эпизод сифатида эмас, балки таълим системаси сифатида) уз табиатига кура индивидуаллаштирилган.

Таълимни индивидуаллаштириши – укувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига таянади, ана шу Хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда курилади.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи уқитишда укувчиларнинг реал тишларига таяниш зарурлигига асосланади. Бу принципти, биз куриб утганимиздек, программалаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Лекин одамдаги таълим шароитида ҳам бу принцип тадбиқ этилиши мумкин ва лозим. Уқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари таълимнинг айрим методлари ва усулларини танаши ҳамда қўлаши вақтида, синф ва контрол ишларининг вариантларини (уларнинг қийинлик даражасига қараб) аниқлашда ҳисобга олинади.

Таълимнинг билишга оид қизиқишларни ривожлантиришга қаратилган мотивацион-қизикарли томонларига кўпроқ эътибор берилиши лозим. Ана шу укувчилар билан олиб бориладиган ишнинг характерли хусусияти – улар психикасининг ожиз томонларига пассивлик билан мосланиш эмас, балки бу укувчилар максимал даражада вояга етиши учун уларнинг ақлий ривожланишига актив таъсир кўрсатиш принципи булмоғи керак. Тарбиячи ва уқитувчи айрим болаларда узининг уртача эканлиги, қобилиятсизлиги ва ҳатто мукамал эмаслиги ҳақида пайдо булган тасаввурга активлик билан қаршилиқ кўрсатишлари лозим. Таълим бундай укувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқлашмайди, балки укувчининг узи тобора тезлашиб ва мураккаблашиб бораётган таълим процессига кўпроқ мосланади.

Педагог ва психологларнинг асосий вазифаси – барча болаларнинг қобилияти максимал даражада ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитларни аниқлашдан иборат. Шу билан бир қаторда муайян соҳаларда чуқур қизиқишини, мойилиги ва қобилиятини намоён қилаётган укувчиларни ҳам

аниқлаш ва уларга бундан кейинги ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Бу вазифани дифференциялашган (кенг маънода олганда) таълимнинг турли формалари бажариши мумкин. Бу ерда махсус мактаблар ва синфларнинг ҳар хил типлари (математик, физик, химик, биологик ва ҳоказо типлари), факультатив курслар, мактаб илмий жамиятлари, билим берадиган тугараклар ва ҳоказолар кўзда тutilади.

Дифференциялашган таълимнинг барча санаб утилган формалари асосида қуйидаги фикр, яъни ҳамма ўқувчилар ҳамма фанлар бўйича билимларнинг муайян минимумини тула-тўқис ўзлаштиришлари (бу минимум давлат ўқув программаларида белгилаб берилган), бундан ташқари эса, айрим фанларни асослироқ ва чуқурроқ урганишлари ёки ўқув планига кирмайдиган фанларни урганишлари мумкин, деган фикр ётади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Левитовнинг фикри бўйича ўзлаштиришнинг психологик компонентлари нималардан иборат?
2. Ақлий ривожланиш кўрсаткичлари.
3. Таълимни интенсивлаштириш нима?
4. Таълимни индивидуаллаштириш нима?
5. Таълимни дифференциялаштириш нима?

Таянч тушунчалар:

Таълим; ўзлаштиришнинг психологик компонентлари; таълим процессини бошқариш; программалаштирилган таълим; ақлий ривожланиш мезонлари; таълимни интенсивлаштириш; таълимни индивидуаллаштириш; таълимни дифференциялаштириш; проблемали-эвристик ёки тадқиқотчилик методи.

4 – Маъруза.

4 соат.

1У – Мавзу. ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ.

РЕЖА:

1. Шахсни таркиб тоштиришнинг умумий психологик қонуниятлари.
2. Тарбиявий иш методлари ва формаларининг психологик асослари.

АДАБИЁТЛАР: 1, 3, 5, 6, 8, 10.

МАЪРУЗА МАТНИ.

Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системасининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсири остида таркиб топади.

Ижтимоий муҳитнинг, коллективнинг шахсга таъсири туғрисида гапирилар экан, социал психология ишлаб чиқаётган референт гуруҳ тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳам-ма одамлар ҳам, ҳатто энг яқин теварак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам учун булганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзан бундай гуруҳ бир кишидан таркиб топган булиши мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу гуруҳларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли булган мулоҳазалари билан ҳисобланади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ҳовл-идаги улфатлар, яқин дўст ва ҳоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун ана шундай референт гуруҳлар булиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларига бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда булиш ҳолларига кўпинча ўқувчининг тарбиячига маълум бўлмаган референт гуруҳ позициясида туриши сабаб бўлади. А.В.Петровскийнинг оқилона фикрига қура, агар тарбиячи, мактаб ўқувчиси ҳеч нарса ва ҳеч ким таъсир қила олмайди, деб даъво қиладиган бўлса, бу нарса одатда тарбиясининг мактаб ўқувчисининг ахлоқий позициясини белгилаб берадиган таъсирли референт гуруҳлардан мутлақо хабарсиз эканлигини билдиради.

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олишган мақсаднинг мавжудлиги билан, таъсир курсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, формалари ҳамда методларининг қўлланилиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. А.С.Макаренко алоҳида таъкидлаб бундай деган эди, соғлом тарбиявий ваъиятсиз мукамал шахс вужудга келган ёки аксинча, туғри тарбиявий иш олиб борилган пайтда бузилган шахс таркиб топган бирорга ҳолни билмайман.

Мактаб ўқувчисининг муайян қоидалар ва нормаларни билиши маънавий хулқ-атворнинг зарур шартидир. Бироқ ахлоқ нормаларини шу тариқа билиш ўз-ўзидан ахлоқий хулқ-атворни тегишли даражага эриштирамайди. Ёунинг устига, билимларни маънавий хулқ-атвор практикасисиз ўзлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулқ-атвор ўртасидаги ажралишда ифодаланадиган "ахлоқий формализм" деб аталувчи формализмнинг юзага келишига олиб боради. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси, мактаб ўқувчисининг ҳаёти ва фаолиятини туғри ташкил қилиш, ижодий ахлоқий, социал ижтимоий хулқ-атвор тажрибаси унинг шахсини таркиб тоштиришда асосий нарса булиши керак. Ўқувчида бу нарса тарбиячи раҳбарлигида ҳосил бўлади. Бу нарса ўқувчиларда билимлар системасини табиий, ахлоқий ва ғоявий-сиёсий билимлар системасини, (бу билимлар муайян

даражада етакчи роль уйнаган пайтда) таркиб топтириш билан юз бериши керак.

Психологлар (аввало Л.И.Божович ва унинг ходимлари) бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг тўғри ҳуқ-атвор тажрибасини орттиришигина эмас, балки унинг ҳуқ-атворининг (маълум ҳаракатга ундовчи фикрлари, хис-туйғулари, мақсадлари системасини) тўғри мотивларини тарбиялаш ҳам хал қилувчи нарса эканлигини курсатиб берадилар.

Психологларнинг берган маълумотларига кўра, биргина фаолиятнинг ўзида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига ҳам қараб) шахснинг ҳар хил (ва ҳатто бир бирига қарама-қарши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз тарбияланувчиларни бошқаларни очикдан-очик ва дадил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада принципааллик, жасурлик, соф диллик, танкидий кўз билан қараш фазилатлари таркиб топади деб ҳисоблайдилар. Аммо биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳаминша ҳам узимиз кўзлаган мақсадга эришавермаймиз. Чунки ҳуқ-атворнинг ана шу тўғри формаси негизда мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу ҳуқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи уз уртоғини принципаал мотивлар асосида танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг уртоғида характернинг принципааллик, қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, ўз айбини уртоғининг бўйнига қўй - иш истаги билан танқид қиладиган бўлса, бу худбинлик, индивидуализмнинг таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий ғараз билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик хислатлари таркиб топади. Агар бундай танқид қилишга, ниҳоят, ўқитувчидан кўрқиниш ва унга ёқиниш истаги ёки мағрурлик истаги, принципааллислик сабаб "булса, унда лаганбардорлик, икки юзламачилик сингари хислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, тўғри ҳуқ-атвор тажрибаси бу хатти-ҳаракат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина кўзланган мақсадга олиб келади. Шунинг учун ҳуқ-атворнинг тўғри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ўқувчиларида муайян вазиятларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустаҳкамланиши ва барча бошланғич вазиятларга тарқалиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ҳар бир сифат структурасига, бинобарин, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти-ҳаракатига ижобий муносабатда бўлиши имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти-ҳаракатларнинг мустаҳкамланган усули киради. Шундай қилиб, шахснинг сифати Л.Ж.Божоновичнинг ибораси

билан айтганда, ҳатти-ҳаракат мотивлари ва бу мотивлар тегишли формаларининг узига хос бирикмасидир. Ҳатти-ҳаракат барқарор, ҳукмрон (асосий) мотивларнинг системасини баъзи психологлар (А.И.Божонович, М.С.Неймарк) - шахснинг йўналиши деб таърифлайдилар. М.С.Неймарк мактаб ўқувчиларининг йўналишини тадқиқ қилди ва бу йўналишнинг учта асосий турини - коллектив, шахсий ва ишчанлик йўналишларини (ишга, фаолият жараёнига бўлган йўналишни, ижодий фаолиятга қизиқишни) алоҳида ажратиб кўрсатди. Йўналишнинг коллектив, шахсий турлари бир хил, тўғри характеристикасига эга бўлмаслиги керак. Ҳақиқий коллектив йўналишдан ташқари "худбинлик гуруҳи" деб аталган йўналиш - бошқа коллективларнинг қизиқишларини мутлақо менсимаган ҳолда фақат битта коллективнинг, (гуруҳ, синф) қизиқишларининггина эътироф этадиган йўналиш ҳам бор. Шахсий йўналиш шахсий ютуқларга эришишга қаратилган йўналиш сифатида ҳамма вақт ҳам коллектив йўналишига қарама-қарши булавермайди.

Психологлар тарбиявий иш методларининг психологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг ҳар қандай методига абстракт тарзда қараб ва уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланалар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар коллективининг хусусиятларини, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян конкрет шароитларни ҳисобга олиш зарур. Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун, мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларида тўғри йул тутиши учун унинг нима қилишни билиши, узи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қиладиганларини кўриши ва узи ҳам тўғри хулқ-атворли бўлишни машқ қилиш (бу - энг муҳим) зарур.

Билимлар - ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб ҳақиқий эътиқодларни таркиб топтириб бўлмайди. Уз-узидан бу билимлар ахлоқий хулқ-атворни белгиламасдан туриб, унга муҳим таъсир кўрсата олмайди. Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилишни талаб этади. Ўқувчиларнинг тасодифий ҳоллар, кучадагиларнинг бемаъни таъсири, катталарнинг ярамас ҳатти-ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий тушунсалари тарбиячилар ва коллектив томонидан тўғри роъвий раҳбарлик қилинмаса, хато, нотўғри, бузук тушунчаларга айланиб қолиши мумкин. Баъзан ўқувчи турмушдаги бирор факт ёки воқеани, адабий асарлардаги мазмунни, кинокартиналарни узи мустақил тушуна олмай, нотўғри хулосаларга келиб қолади. Жуда оғир шароитларда ўқувчида хато фикрларгина эмас, балки маънавий

принциплар ва установкалар руҳига кура бизга ёт бўлган хатолар ҳам юзага келиши мумкин.

Кўпчилик нотўғри ҳатти-ҳаракатларнинг юз беришига ана шулар сабаб бўлади.

Ахлоқий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри хулқ-атворни юзага келтириш билан ахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йўлидир, албатта. Ўқувчилардаги ахлоқий билимнинг турли-туман формалари, уларнинг онги ва ҳис-туйғуларига жонли, ёрқин оташин сўзнинг (жамоаларда уюштириладиган этик суҳбатлар, лекциялар, мунозаралар) таъсири бу ишни анча тўлдириши мумкин.

Актив таъсир кўрсатишнинг ажойиб устаси бўлган А.С.Макаренко ҳам ахлоқий (этик) суҳбатларнинг чинакам тарафдори эди. Унинг ўзи назарий ахлоқий турдаги суҳбатларнинг конспектини ёзар, уларда энг яхши бундай ахлоқий назариянинг катта самараларини кураб эди.

Муайян принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, ахлоққа доир суҳбатлар ўша принциплар асосида тузилиши керак. Бу принциплар қуйидагилар:

1. Ахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жиҳатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавзум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан толиқтириб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди.
2. Одатда, суҳбат ўтказиладиган коллективни, унинг йўналишини, бу коллектив аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчига, ўқиш ва бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.
3. Бундай суҳбатларни ниҳоятда тез-тез ўтказиб турмаслик даркор. Агар суҳбатлар конкрет сабаблар билан, мамлакат ёки коллектив ҳаётидаги бирор воқеага тўғрилаб ўтказилса, жуда яхши натижа беради.
4. Суҳбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган конкрет мисолларни, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.
5. Эмоционал тарзда келтирилган, ёрқин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш. Кинофильмлар ёки театр асарларига коллектив бўлиб бориш ёхуд уларни коллектив бўлиб эслаш) зарур.
6. Ўқувчиларнинг онгига синдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамма нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида далил қабул қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш пайтида жуда муҳимдир. Бошқа томондан, бу ёшда сўз таъсирининг самарадорлиги пасайиб кетиши

мумкин, чунки ўқувчида ривожланиб борадиган танқидий тенденциялар кўпинча уни катталарнинг далилларига эҳтиёткорлик билан, ишонмасдан ва нотўғри тушуниб қабул этишга, уларнинг далилларини рад қилишга, бирор қоида билан келишмасликка катталарнинг илтимослари ва талабларига қарши чиқишга мажбур этиши мумкин. Бошқа нарсани ҳам назарда тутиш керак: ўқувчи кўпинча катталарнинг ўзига ақлли киши деб мурожаат қилишларидан, унинг кўп нарсани тушунишига ишонишларидан мағрурланиб юради. Унда бу ишончни оқлаш, ана шундай муносабатга мўпосиб киши бўлиш истаги юзага келади.

7. Ўқувчиларда максимал активлик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини аҳлок масалалари устида уйлаб кўришга мажбур қилиш зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, аҳлоқ нормалари ҳақидаги хулосаларни уларнинг актив иштирокида (аммо ўқитувчининг раҳбарлигида) чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳокамага қўйилиши керак бўлган масалаларни оддиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

8. Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ ва шавқ-завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг эҳтиросли эътиқоди ўсмирларга юқишини унутмаслиги даркор. Ўсмирларнинг ўзлари ҳис этадиган туйғуларни тахминан қуйидаги формада англаб олишларига эришиш жуда муҳимдир: "Нима учун бу ҳодиса менда шунчалик ғазаб ва нафрат уйғотади?", "Нима учун мен бу ҳатти-ҳаракатлардан шунчалик ҳайратландим?"

Тарбиячиларнинг шахсий намунаси ўқувчи шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи кўпинча ўқитувчига тақлид қилиб, унга ўхшашга ҳаркат қилади, лекин биринчидан, буни кўпинча тушуниб етмасдан қилади, иккинчидан ўқитувчининг ташқи кўриниши ва қилиқларига тақлид қилади, чунки у ҳали шахсининг намоён бўлишини таҳлил қилишга ва шахсининг барқарор ҳислатларини англаб етишга қодир эмас. Ўсмир ва катта мактаб ёшидаги ўқувчи кўпчилик ҳолларда намунага онгли равишда тақлид қиладилар. Ўсмир ўзини катта деб ҳисоблай бошлагандан эътиборан катталарнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ишларига тақлид қилишга интилади. Шунинг учун унда теварак-атрофдаги кишиларнинг, айниқса, ўзига энг яқин ва ўзи учун энг обрўли кишиларнинг ҳатти-ҳаракатига қизиқиш ҳамда эътибор бериш юзага келади. Ўқитувчи қанчалик обрўли бўлса, унинг эътиқоди, билимлари, фикрлари, деди ўқувчиларга шунчалик кўп таъсир қиладиган бўлади. Ўсмир катталарнинг бирор ҳислатларига тақлид қилаётиб, кўпинча бу ҳислатларни шунчалик илиб олиш билан бирга, уларнинг салбий ҳислатлари ва ҳатти-ҳаракатларини ҳам ўзига

сингдириб олади. Агар ўқитувчи муайян мақсадни кузлайдиган ва принципиал матонатли, ўз бурчини қатъият билан бажарадиган бўлса, худди шу нарсаларни ўз тарбияланувчиларидан ҳам талаб қилиш унга осон бўлади. Аксинча, ўқитувчининг тажанглиги, куполлиги, ўзини қўлга ола олмаслиги, манманлиги ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўқувчилар ва ота-оналар баъзан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар. Ҳолбуки, уларнинг қилаётган ишлари, ўзларининг қандай тутишлари уларнинг айтган гапларига, ўргатган нарсаларига қараганда ҳамроқ эмас, балки купроқ аҳамиятга эга бўлади.

Тўғри ҳатти-ҳаракатларда амалий тажрибани уюштириш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахсни тарбиялашда муҳим, асосий омилдир. Тарбиячи ўқувчиларда ҳатти-ҳаракатларнинг шундай форма ва усулларини таркиб топтироғи керакки, бу форма ва усулларда тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида юзага келадиган ўқувчи эътиқодлари амалга ошсин. Ҳатти-ҳаракатларнинг айтиб ўтилган формалари мотивларни, ўқувчининг эътиёж ва муносабатларини "моддийлаштириш" ифодаси, воситаси, формасига айланиб қолгандагина барқарор омилга айланиб мустаҳкамланади. А.С.Макаренко худди ана шу маънода "хулқ-атвор гимнастикаси" тўғри ҳатти-ҳаракатларни машқ қилишни уюштириш зарурилиги тўғрисида гапирган эди.

Ахлоқий ҳатти-ҳаракатларни машқ қилиш – бу турли вариантлардаги ҳатти-ҳаракатларни аслида бир-бирига ухшаш вазиятларда уюшган ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда такрорлашдир. Фақат ана шундай қилингандагина ҳатти-ҳаракатларнинг барқарор ва айни вақтда умумлашган формалари таркиб топади. Сунъий машқлар эмас, балки ўқувчи ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитлари назарда тутилади, албатта.

Усмирлик ёшидан бошлаб, тарбиянинг янги омили – ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахс ҳислатларини таркиб топтириш соҳасида хулқ-атвордаги камчиликларга салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда Мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир системадир, – деган эди И.П.Павлов.

Агар ўз-ўзини тарбиялашга бўлган интилишни катгалар, коллектив етарли даражада бошқариб ва ташкил қилиб турмасалар, Унда ўқувчи ўз-ўзини тарбиялаш мазмунида (нимани тарбиялашда) ҳамда унинг формасида (қандай тарбиялашда) жиддий хатолар қилиши мумкин.

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзидан тарбиялашига раҳбарлик қилишда 4 та вазифани кўзда тутиши керак.

Биринчи вазифа – ўқувчида ўзида шахснинг ижобий ҳислатларини тараққий эттиришга ва ўз хулқ-атворидаги ёмон томонлардан халос бўлишга интилиш истагини уйғотиш.

Иккинчи вазифа – ўқувчига ўз шахсига танқидий муносабатда бўлишда, ўз хулқ-атворидаги хусусиятларни диққат билан ва одилona тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол куришда, ўз нуқсонларини фахмлаб олишда ёрдамлашиш вазифаси келиб чиқади.

Учинчи вазифа – ўқитувчи тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш программасини тузишда, шахс хулқ-атвори ҳислатларининг қайси хусусиятларини (масалан, ўзини ушлай билиш, қатъийлик ва шунинг сингариларни) тараққий эттириш, қайсиларга (масалан, ўжарлик, яқовлик, қўполликка) барҳам бериш кераклигини белгилаб, ҳамда ҳал қилиб олишда ўқувчига ёрдам берадилар. Худди шу ерда шахс сифатларини тўғри ва объектив баҳолашда, уларни келиб чиқиш сабаблари ҳамда мазмуни жиҳатидан баҳолашда ҳам ўқувчиларга кўмаклашиш музимдир.

Ниҳоят, тўртинчи вазифа – ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилona йўлларини кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг

Мақсадга мувофиқ ва самарали йўлларини кўрсатадилар.

Мустаҳкамлашга оид саволлар:

1. Шахс тушунчасини тавсифланг.
2. Қандай тарбиявий иш формалари ҳақида гапира оласиз?
3. Ахлоқий суҳбат мавзуларига мисол келтиринг. Ушбу суҳбатни қай тарзда уюштирган булар эдингиз?
4. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда қандай вазифалар амалга оширилади?

Таянч тушунчалар:

Референт гуруҳ; шахс; ахлоқий формализм; хулқ-атвор мотивлари; шахснинг йўналиши; ахлоқий суҳбат принциплари; принципиаллик; эътиқод; шахсий намуна; хулқ-атвор гимнастикаси; ўз-ўзини тарбиялаш; ҳатти-ҳаракатларнинг аффектив формалари.

5 – Маъруза.

2 соат.

У-Мавзу. ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ.

Р е ж а :

1. Жамиятда ўқитувчининг тугган урни ва вазифалари. Шарқ мутафаккирлари ўқитувчилик касби туғрисида.
2. Ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар.

3. Уқитувчи касбига зарур бўлган ҳислатлар.
4. Педагогик қобилиятлар ва уларнинг тузилиши.

Адабиётлар: 1, 3, 5, 7, 8, 10, 11.

МАЪРУЗА МАТНИ.

Уқитувчилик – инсон жамияти тарихи бошлангандан эътиборан давом этиб, шу билан бирга ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойиқ эъзозлаб келинган касбдир.

"Уқитувчи – дейди Ал Форобий, – ақл-фаросатга, чиройлик нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тула ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур". У ўз фикрини давом эттириб: "Уқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройлик нутққа эга бўлиши, ўқитувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тула ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз орномусини қадрлаши, адолатли бўлмоғи лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади", деб таъкидлайди. Абу Али ибн Синонинг фикрича "Уқитувчи магонатли, соф виждонли, ростгуй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Уқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига киролмоғи лозим.

Носириддин Тусий ўзининг "Уқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида" деган аасарида шундай дейди: "Уқитувчи мунозараларни олиб боришни, рад этиб бўлмайдиган даражадаги исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса муглақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим, Уқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда захарҳандали, қупол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин,"

Юсуф Хожи Қашқарий "Мен аъзолар касаллигини даволашдан олдин одамларнинг руҳиятини даволашни зарур деб топдим. Бунга мен ўқитувчилик йўли билан эришаман, бунга менинг ишончим комил. Чунки аъзолар касаллиги билан юзларча, мингларча одамлар ҳалоқ бўлсалар, нодонлик, билимсизлик туфайли ун минг ва юз мингларча одамлар ҳалоқ бўладилар,"

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўқитувчи меҳнатини ҳолисона баҳолаб: "Агар шоғирд подшоликка эришса ҳам, унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди", "Ҳақ йулида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила" – каби сатрлар битган.

Ҳозирги замон илм-фан тараққиётини буюк алломалари яратган бир неча қимматли асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу нодир

асарлар бир неча асрлар илгари яратилган бўлсада ўз қимматини йўқотган эмас.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаралишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги билан аниқланади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришда жамият олдидаги жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи – синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайти, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Маълумки педагогик фаолият – киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талабларидан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан борлик ҳислатларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим шахсий ҳислатлари қуйидагилардир:

- ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиши, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатнинг мустақиллиги ғоясида яшашидан иборатдир;

- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;
- олижаноблиги, ақл-фаросатли, маънавий пок – маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларга мос келиши, бундай ҳислатларни жамият ҳоҳиши бўйича болаларга сингдириб бориши;

- ўзини қўлга ола билиши, хабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўядиган асосий талаблари қуйидагичадир:

- шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш макурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз Ватани, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;

- кенг билим савиясига эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

- ёш педагогик-психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳасида жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

- ўз ишига ижодий ёндошиши;

- болаларни билиши, унинг ички дунёсини тушуна олиши;

- педагогик техникани (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

- ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга энг юқори даражада мос келадиган бўлишига интилиши керак.

Ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилдаги ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг, шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятга нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим. Бўлажак ўқитувчи у ёки бу хилдаги фан томонидан қандай талаблар қўйилишини билиши ва шу аснода ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун педагогик олий ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқитувчи профессиограммаси ишлаб чиқилиши зарурдир. Профессиограмма психологик нуқтаи назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикасининг (аниқ бирорта касб бўйича) келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши кераклиги устида боради.

Профессиограммада муҳим ҳислатларнинг борган сари бирмунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги ҳислатлари кўрсатиб борилиши лозим:

- 1) Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари;
- 2) Касбига хос билими;
- 3) Ўз касбига хос ҳислатлари;
- 4) Шахсий-педагогик уddaбуронлиги;
- 5) Ташкилотчилик малакалари;
- 6) Коммуникатив малакалари;
- 7) Гностик малакалари;
- 8) Ижодий ҳислатлари.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақиятли қандай

билим ва кўникмаларга, шунингдек, шахснинг қандай қобилият ва шахсий ҳислатларга бўлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Қобилият – бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдир.

Педагогик қобилият – бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шугуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўнқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим урин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Дидактик қобилиятлар – бу болаларга укув материални аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.
- 2) Академик қобилиятлар – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.
- 3) Перцептив қобилиятлар;
- 4) Нутқ қобилияти;
- 5) Ташкилотчилик қобилияти;
- 6) Авторитар қобилияти;
- 7) Коммуникативлик қобилияти;
- 8) Педагогик ҳаёл;
- 9) Диққатни тақсимлай олиш қобилияти.

Муҳим Давлат вазифасини – кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга ошираётган замонавий мактаб ўқитувчисининг ҳислатлари, унинг ижодий фаолияти кириб келаётган XX1 асрда шаклланиб, асосан амалий ишда, педагогик тажрибаларни эгаллаш жараёнида ўсиб-ривожлана боради.

Шу билан бирга ўқитувчи дўимий равишда ўз малакасини ошириб, ўз ишнинг муваффақиятини юқори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий ҳислатларини тарбиялаб бориши зарур.

Мустақамлаш учун саволлар:

- 1) Шарқ мутафаккирларининг ўқитувчи ҳақидаги фикрлари.
- 2) Ҳозирги замон ўқитувчисига қўйиладиган талаблар қималардан иборат?
- 3) Ўқитувчилик касбига зарур бўлган ҳислатлар.
- 4) Ўқитувчи қандай қобилиятларга эга бўлмоғи лозим?

Таянч билимлари:

Касбий ҳислатлар; Давлат талаблари; Ўқитувчи қобилиятлари; перцептив қобилиятлар; академик қобилиятлар; авторитар қобилиятлар; гностик малакалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.В.Петровский. "Ёш психология ва педагогик психология". М.1979 йил.
2. "Умумий психология, ёш психология ва педагогик психология" курси. 1982 йил.
3. В.А.Крутецкий. "Педагогик психология асослари" Т. "Ўқитувчи".
4. В.А.Крутецкий. "Ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси психологияси. 1976 йил.
5. Э.Гозиев. "Психология" Т. 1994 йил.
6. М.В.Воҳидов "Психология" Т. 1981 йил.
7. М.Г.Давлетшин таҳрири остида "Ёш психологияси ва педагогик психология" Т. 1974 йил.
8. Ш.Баратов. "Ўқувчи шахсини урганиш усуллари". Т. "Ўқитувчи". 1995 йил.
9. Турахонова Р. "6 ёшли болаларнинг психологик хусусиятлари". Т. "Ўқитувчи" 1990 йил.
10. А.И.Пчербаков таҳрири остида. "Ёш психологияси ва педагогик-психологиядан практикум". Т. "Ўқитувчи" 1991 йил.
11. М.Г.Давлетшин. "Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси". Т. 1999 йил.